O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 8 апрель, № 67 (3866) Шанба



Ислом КАРИМОВ:

Эзгулик аркаси ватандошларимиз учун азиз ва муқаддас тимсолга айланишига ишонаман. Зеро, ҳар бир қалб эзгуликка интилиб яшайди. Дунёда яхши ният, орзу-истаксиз одамнинг ўзи йўқ. Истардимки, шу дарвоза остонасидан ўтадиган ҳар бир юртдошимизнинг қалби шукроналик, эртанги кунга ишонч туйғулари билан тўлсин. Аслида, барча бунёдкорлик ишларидан кўзлаган мақсадимиз — эзгулик йўлида хизмат қилишдир.

Истиқлол тимсоллари

ЭЗГУЛИК АРКАСИ

Ҳар тонг – бир хушхабар...

Мамлакатда ҳар куни, ҳар соатда бир хушхабар янграб туради.

Телевидениенинг тонг саҳардаги дастурларидан тортиб то тунги хабарларгача, радиотўлқинлару ҳар субҳидам оқ каптарлар каби Ватанимизнинг барча гўшалари сари парвоз этгувчи газеталарга қадар, албатта, ажиб бир янгилик, хуш муждадан дарак беради.

Мана, нима ҳақда сўйлайди улар: Сурхондарёдаги Ҳисор тоғлари бағрида Тўпаланг сув омбори ва янги ГРЭС қурилиши жадал суръатлар билан олиб борилмоқда; бутун мамлакатда баҳорий ташвишюмушлар — экин-тикин ишлари авжида; кўҳна Насаф, Навоий бобо ўз асарларида "Нахшаб, Маҳи Нахшаб" — Нахшаб ойи деб гўзал бир ташбеҳ билан таъриф берган Қарши шаҳрининг 2700 йиллик тўйи муносабати билан бошланган улкан тараддуд; ёш санъаткорларимиз, спортчиларимиз халқаро миқёсда қўлга киритаётган ютуқлар; дашту далалардан, боғ-роғлардан, корхоналардан келаётган хабарлар, яна ўнлаб, юзлаб сиёсий, маънавий-ижтимоий ўзгаришлар ва янгиликлар — буларнинг барчаси элу юртимизда эзгу ва улуғвор мақсадлар йўлида ҳаёт жўшқин давом этаётганини кўрсатиб турибди.

Ҳаётнинг муаззам ва бақувват қанотларини ҳеч қандай куч қайиролмайди. Халқнинг "Мардлар минган отларинг номардларга хор бўлмас" деган лўнда, жайдари гапи бежиз айтилмаган.

Истиқлолимизнинг ўтган ўн тўртинчи йили ҳам муҳим воқеа-ҳодисаларга бой бўлди. Тараққиёт йўлидаги салмоқли ютуқлар, кувончли воқеалар билан бирга оғир синовларни ҳам бошдан кечирдик. Озод мамлакатимизга мудҳиш балоларни ёғдирмоқчи бўлган қора кучлар Андижон воқеалари мисолида ўз жирканч қиёфаларини яна бир карра кўрсатишга уринди. Жаҳонда эса... бунга қараб дўст-хайрихоҳларимиз астойдил қайғуришди, кимлардир чапак чалди. Ўзбекистоннинг яна қаерида бир тутун чиқаркин ёинки Тошкентнинг қайси бир маҳалласидаги симёғочда лампочка куяркин дея жар солишга илҳақ турган айрим хорижий радио ва уларнинг чаққон мухбирлари ёлғонни ямламай ютиш маҳоратини намойиш қилишди.

Халқ эса, табиийки, бу фожиадан қайғуга тушди, ўртанди. Лекин йўлини йўқотмади, иродаси букилмади. Бутун инсоний заҳматлару ҳаёт ташвишларини елкасига олиб ўз йўлида давом этмоқда — далаларда, заводларда меҳнат қилаяпти, боғча, мактаблар бино этаяпти, кўприклар солиб, темир йўллар қураяпти, фарзандлари, дилбандларини тарбиялаб-ўстириб, ўз танлаган йўлидан ўз истиқболи томон одимлаяпти.

Хизмат сафари билан Тошкентга келган кекса рус адиби, нозиктаъб ва зиёли инсон, "Дружба народов" журнали раҳбарларидан бири Леонид Теракопян Ёзувчилар уюшмасига меҳмон бўлди. Мустақилликдан кейин у киши биринчи маротаба Тошкентга келиши экан. Узоқ суҳбат давомида меҳмон телефонда Москва билан сўзлашишга изн сўради. У томондан Тошкент ҳақида савол бўлди, шекилли, оқсоқолнинг кўзлари чақнаб, юзлари ёришиб кетди.

— Ў-ў, Тошкент тамомила бошқача шаҳар бўлган, гуллаб-яшнаб кетибди, — деди меҳмон.

У томондан яна "Ўзбеклар қалай?" дея сўрашдими, меҳмон жиддий тус олди, ўтирганларнинг ҳаммасига бир-бир разм солиб, жиддий, қисқа ва бинойи жавоб қилди:

— Ўзбекларми? Ўзбеклар давлат қураяпти.

Холис бир меҳмоннинг мухтасаргина бу таърифи айни ҳақиқат эди.

...Биз тонг дедик, хушхабар дедик. Одамзотнинг кундузги ҳаёти эрта тонгдан бошланади. Саҳар туриш, тонгни қаршилаш халқимизда азал-азалдан хайрли, баракали саналган. Лайлаклар ҳам тонгда келадилар. Уларнинг бир манзилу маконга келишлари — ўша манзилу маконга файзу барака, тинчлик-осойишталик, бахту иқболнинг келишидан дарак беради. Хушхабарлардай севинчли, хосиятли оқ, оппоқ лайлаклар. Одамзотга нима керак — эл керак, кетар чоғи фарзандларига қолдириб кетадигани Ватан керак, ор ҳам ғурур керак.

Ҳар кун умримизнинг
бир сафаридир,
Ҳар он кунимизнинг
бир гавҳаридир.
Тинчлик, омонликда
отган ҳар бир тонг
Оллоҳнинг бизларга
хушхабаридир.

Ватанни англаш

Таъбир жоиз бўлса, бинолар ҳам улуғ зотлар мисол, ота-оналару муаллим-устозлар сингари тарбиялайдилар, таълим берадилар. Уларнинг, гарчи тилу забонлари бўлмаса-да, эзгуликдан сўйлайдилар, инсоний, хайрли амалларнинг рамзи, тимсоллари янглиғ яхшиликларга чорлайдилар, ибрат кўрсатиб турадилар.

Шу маънода, Мустақиллик майдонининг остонасида ғоя муаллифи, лойиҳа асосчиси муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан қад ростлаган яна бир муҳташам маъмурий обида — Эзгулик аркаси ўзининг кўрку салобати, маҳобатию моҳияти билан кишини ҳаяжонга солади. Қалб билан, дил билан ўйласангиз — кўксингизни бир нималар тўлдириб келади.

...2005 йилнинг 28 январида кечқурун телевидение орқали **"Мустақиллик майдони"** ҳужжатли фильми намойиш этилди. Мамлакатимиз раҳбари Мустақиллик майдонининг қиёфасини тубдан ўзгартириш ҳақида гапирар экан, шундай деди:

"Неча йиллардан буён кечалари уйқум қочиб шу ҳақда ўйлайман, қандай қилиб бу жойни том маънодаги Мустақиллик майдонига айлантириш мумкин, деб бош қотираман..."

Эзгулик аркаси ҳам ана шу мақсад йўлидаги изланиш ва интилишлар, меъморий тафаккур маҳсули сифатида пайдо бўлган, десак, хато бўлмас.

2004 йил 16 декабрда Оқсаройда давлатимиз раҳбари Бош майдондаги иншоотлар лойиҳалари билан танишар экан, бу ерда барпо этилиши кўзда тутилган Эзгулик аркаси лойиҳасига алоҳида эътибор қаратди. Биз у кишининг аркнинг ҳар бир устуни, равоқи, пештоқи тасвирини қайта-қайта чизиб кўрсатганига гувоҳ бўлдик.

"Мамлакатимизнинг Сурхондарё ва Қашқадарё каби жанубий вилоятлари, Зарафшон воҳаси ёки Фарғона водийси бўладими, Тошкент ва Сирдарё, у ёқда Аму минтақаси бўладими — бутун Ватанимизга, унинг бугунги ва эртанги тараққиётига, таъбир жоиз бўлса, айнан Бош майдонимиздан туриб назар ташланади, холисона баҳо берилади. Шунинг учун ҳам бу маскан ҳақли равишда халқимизнинг ғурур-ифтихори тимсолига айланиб кетган."

Мустақиллик майдони.

Илгари зулм ва истибдоднинг макони бўлган, маҳаллий халқни қўрқитиш, одамлар қалбига ваҳима, таҳдид-таҳлика солиш учун танклар, ракеталар ўрмалаган, мустабид тузумнинг мустамлакачилик сиёсатини намойиш этиб, дабдабали ҳарбий парадлар ўтказилган жой.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг

КОНУНИ

Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тартиб-таомиллари соддалаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2005 йил 13 декабрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 24 февралда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган **«Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»**ги 1006–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 2, 50-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 7–8, 217-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **5-модда иккинчи қисмининг:**

бешинчи хатбошиси «ва уни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиғига киритади» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

еттинчи хатбошисидаги «шунингдек озиқ-овқат маҳсулотини ҳамда бундай маҳсулотни тайёрлашда ишлатиладиган асбоб-ускуналарни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширади» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **10-модданинг учинчи қисмидаги** «давлат бошқарувининг тегишли органи бундай талабномаларни кечиктирмай ишлаб чиқиши ва амалга киритиши шарт» деган сўзлар «Ўзстандарт» агентлиги давлат бошқарувининг тегишли органлари билан биргаликда бундай талабномаларнинг кечиктирмай ишлаб чиқилиши ва амалга киритилишини таъминлайди» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августда қабул қилинган **«Уруғчилик тўғрисида»**ги 267–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 130-модда; 1997 йил, № 4–5, 126-модда; 1999 йил, № 5, 124-модда) **1-моддасининг учинчи хатбошисидаги** «сертификатланган (репродукцион) уруғликлар» деган сўзлар «репродукцион уруғликлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августда қабул қилинган **«Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»**ги 483–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 239-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда) **6-моддасининг иккинчи қисмидаги** «Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги томонидан давлат санитария назорати органлари берадиган гигиена сертификати асосида» деган сўзлар «гигиена сертификати берилаётганда давлат санитария назорати органлари томонидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрелда қабул қилинган **«Темир йўл транспорти тўғрисида»**ги 766–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 5, 118-модда) **21-моддаси**:

иккинчи қисмидаги «ҳамда қонун ҳужжатларига биноан мазкур талабларга мувофиқликка доир мажбурий сертификатлаштиришдан ўтказилиши зарур» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Темир йўл транспорти фаолиятида фойдаланиладиган техника воситалари ва механизмларни, шунингдек кўрсатиладиган хизматларни сертификатлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади»;

учинчи – тўққизинчи қисмлари тегишинча **тўртинчи – ўнинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августда қабул қилинган **«Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»**ги 818–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 215-модда) **12-моддаси** «талабларига мос бўлиши ҳамда» деган сўзлардан кейин «қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августда қабул қилинган **«Телекоммуникациялар тўғрисида»**ги 822–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 219-модда; 2004 йил, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 311-модда) **10-моддасидаги** «барча» деган сўз чиқариб ташлансин.

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августда қабул қилинган **«Туризм тўғрисида»**ги 830–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 227-модда) **10-моддасининг учинчи қисми** чиқариб ташлансин.

8-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 6 апрель.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ҚЎМИТАЛАР ЙИҒИЛИШИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси ва ЕвропЭйд дастурининг "Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш" лойиҳаси ҳамкорлигида "Малакали тиббий фаолият кўрсатишнинг ҳуқуқий асослари ва уларни такомиллаштириш муаммолари" мавзуида давра суҳбати ўтказилди. Уни қўмита раиси И. Насриев кириш сўзи билан очиб, иштирокчиларни Бутунжаҳон саломатлик куни билан қутлади ва сўнгги йилларда тиббиёт соҳасининг ривожланиши йўлида мамлакатимизда олиб борилаётган ишлар эътиборга молик эканлигини таъкидлади.

— Давра суҳбатини ўтказишдан кўзланган асосий мақсад — юртимизда фуқароларга малакали тиббий хизмат кўрсатишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ҳақида батафсил фикрлашиб олиш, бу борада жаҳон тиббиёти амалиётидаги тажрибага, соҳага оид халқаро ҳуқуқ нормаларига асосланган ҳолда мавжуд муаммоларни ҳал этиш нуқтаи назаридан тегишли тавсия ва таклифларни ишлаб чиқишдан иборатдир, — деди қўйи палата Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси Зуҳра Ботирова.

Шунингдек, тадбирда сўзга чиққан Соғлиқни сақлаш вазирлиги Даволаш-профилактика ёрдами Бош бошқармаси бошлиғи Ш. Ҳошимов, ЕвропЭйд дастури лойиҳаси эксперти Ф. Бакаева юртимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт ходимлари учун муносиб меҳнат ва турмуш шароитларини яратиш бўйича амалга оширилаётган ишлар хусусида батафсил тўхталдилар.

* * *

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан "Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги Қонуннинг Навоий вилоятидаги ижроси бўйича ўтказилган йиғилишда қўйи палата депутатлари, тегишли ташкилотлар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда мазкур Қонуннинг ижроси бўйича Навоий вилоятида муайян ишлар амалга оширилганлиги таъкидлаб ўтилди. Жумладан, Қонуннинг ижросига бевосита алоқадор ташкилотлар ва муассасалар тегишли режалар, чора-тадбирлар ва дастурлар ишлаб чиқиб, шулар асосида иш олиб бормоқда. Таълим муассасаларида, корхоналарда, маҳаллаларда диний ақидапарастликдан сақланиш, гиёҳвандлик, экстремизмга қарши кураш каби мавзуларда суҳбатлар, учрашувлар ташкил этилган. Бироқ, ўрганиш жарёнида вилоятдаги таълим муассасаларида "Диний экстремизм, терроризм ва унинг оқибатлари" мавзулари туркумига кирувчи плакатлар, услубий қўлланмалар, видеороликлар ва видеотасмалар етарли эмаслиги қайд қилинди.

Тадбирда мутасадди ташкилотларга мазкур Қонуннинг ижросини амалга ошириш бўйича аниқ ва қатъий вазифалар тавсия этилди ҳамда қўмитанинг ушбу масала юзасидан тегишли қарори қабул қилинди.

* * *

Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги Қонунининг Сирдарё вилоятидаги ижроси назорат-таҳлили муҳокамасига бағишланган йиғилиш қўйи палатанинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан ўтказилди.

Таъкидланганидек, Сирдарё вилоятида 308 та умумтаълим ўрта мактаблари фаолият кўрсатиб, 142.919 нафар ўқувчи жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланмоқда. Спорт йўналиши бўйича эса саккизта мактабда футбол, тўққизта мактабда шахмат тури бўйича чуқурлаштирилган синфлар ташкил этилган.

Йиғилишда қонун ижроси юзасидан амалга оширилган ижобий ишлар билан бир қаторда, йўл қўйилаётган камчиликларга ҳам эътибор қаратилди. Хусусан, вилоятда ўрта мактаб, спорт интернат, касб-ҳунар коллежларида масъул ходимларнинг қонун ҳужжатлари билан хабардорлик даражаси қониқарли эмас. Оммавий спортни ривожлантириш мақсадида спорт иншоотлари, спорт майдонлари мавжудлигига қарамай улардан унумли фойдаланилмаяпти. Шунингдек, мактабгача таълим муассасаларида спорт жиҳозлари етишмайди. Бир сўз билан айтганда, муассаса қошидаги ёзги спорт майдончалари талабга жавоб бермайди.

Тадбир сўнгида мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан қўмитанинг қарори қабул қилиниб, тегишли давлат идораларига ижро учун юборилди.

Зиёда АШУРОВА.

Истиқлол офтобидан нур олиб тобора юксалаётган Қорақалпоғистон Республикаси ўз Конституцияси ва Герби қабул қилинган куннинг навбатдаги санасини кенг кўламда нишонламоқда. 1993 йилнинг 9 апрелида Қорақалпоғистон Республикасининг Герби ва Конституцияси қабул қилинган эди.

ҚАРИНДОШЛИК ҚОМУСИ

Истиқлол туфайли Қорақалпоғистонда кўп йиллар давомида орзу бўлиб келган тўғридан-тўғри темир йўл йўналишлари, Кўнғирот сода заводи қурилди. Устюрт замини ва Султонувайс тизмасидаги хазиналар сандиғига калит солинди. Табиий газ қазиб олиш юзасидан Ўзбекистон-Россия лойиҳалари ҳаётга татбиқ этила бошлади. Илк нефть жўмраги отилиб чиқди, олтин қазиб олишда биринчи қадамлар қўйилди. Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари икки марта Қорақалпоғистон заминида учрашиб, Нукус декларациясини имзоладилар. Президент Ислом Каримов 1993 йилнинг 8 сентябрида БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида Орол денгизи муаммосининг сайёравий масала эканлигини жаҳон афкор оммасига очиқ-ойдин айтди. Бугунги кунда Орол денгизи остонасидаги энг йирик кўллар сувга тўлиб, 2005 йили денгиз акваториясига бир неча кубокилометр сув етиб борди. Бир неча йиллик сувсизликдан кейин қорақалпоқ деҳқонлари пахтачиликда муҳим қадам қўйдилар. Ўтган йилги шартнома режаси рекорд муддатда, мамлакатда биринчи бўлиб бажарилди.

Қорақалпоғистон Конституцияси байрамига бағишланган тантанали йиғилиш Бердақ номидаги мусиқали драма театрида бўлиб, унда вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар. Йиғилишда Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши Раиси Б. Янгибоев қатнашди.

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Диққат, янги рукн:

Турлича фикр

Ҳуқуқий давлат қуришнинг асосий белгиларидан бири фикрлар хилма-хиллигига эришишдир. Юртимизда истиқлол йилларида бу борада кўплаб ишлар амалга оширилди. Матбуот, сўз эркинлигини таъминловчи қатор қонунлар ишлаб турибди. Юзлаб хусусий нашрлар ҳамда телевидение, нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолият юритмоқда.

Мамлакатимиз ва жаҳон ижтимоий, иқтисодий, маънавий ҳаётидаги муҳим воқеаларга нисбатан билдирилаётган хилма-хил муносабатларни мунтазам бериб бориш мақсадида

«ТУРЛИЧА ФИКР»

рукнини очдик. Бугун газетамизнинг иккинчи саҳифасида ана шу рукн остидаги илк чиқишлар эълон қилинмоқда. Ўйлаймизки, янги рукн газетхонларимизни бефарқ қолдирмайди ва улар ҳам бу баҳсларда фаол иштирок этишади.

Балли, қизлар!

Юнусободлик Нафосат Сулаймонова "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар кенгаши томонидан ташкил этилган "Маҳалланинг намунали қизи" танловида биринчи ўринга лойиқ, деб топилди.

16-18 ёшли қизлар ўртасида ўтказилган ушбу танловда пойтахтимизнинг ўн битта туманидан билимли, ижодкор, спортчи ҳамда миллий қадриятларимизни яхши биладиган ёшлар иштирок этишди. Танловда иккинчи ўринни Шайхонтоҳур туманидан Дилфуза Жўраева, учинчи ўринни эса Мирзо Улуғбек туманидан Гулчеҳра Ниғматова қўлга киритди. Ғолибларга ҳомийлар томонидан диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Қ. ХИДИРОВ.

ЭЗГУЛИК АРКАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Эндиликда — ғурур-ифтихоримиз тимсолига айланган табаррук ва муқаддас майдон. Ўртада — Мустақиллик тимсоли, бир томони — яқиндагина қурилган, истиқлол йилларининг кўркам кошонаси — оқ-оппоқ Сенат бинаси, у ёғи ҳам, бу ёғи ҳам узунасига сўлим ва фусункор боғ кетган, яна бир томони — "Хотира майдони", тоза ва зумрад кўкаламзорлар, текис ва равон йўлаклар. Фавворалар азиз ва қадрдон бу масканга хушҳаво, салқин иқлим бағишлаб турибди.

Маълумки, "арк", "арка" — катта салтанатларга дахлдор қадимий атама, меъморий тушунча. "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да ёзилишича, "Арка" сўзи меъморий нуқтаи назардан, тепаси ярим доира шаклида солинган дарвоза ёки шундай дарвоза шаклидаги ҳашаматли иншоот деган маъно англатади. Одатда бу каби улуғвор иншоотлар тарихий воқеалар, зафарли юришлар ва ғалабалар шарафига бунёд этилади.

Арка сўзининг, лотинчада ёй, арабчада қавс, ўзимизда бўсағa, остона, ўрда, қалъа, дарвоза, даргоҳ сингари маънолари бор экан. Яна "Аркони давлат" деган ибора ҳам ишлатилади. "Аркон"нинг ўзаги "рукн", яъни устун, таянч — давлат устунлари, таянчлари маъносини беради. Шундан келиб чиққан ҳолда, айтиш мумкинки, бу муҳташам иншоотга Президент томонидан Эзгулик аркаси деб ном бериш ҳақидаги таклиф кўпчиликнинг кўнглидаги айни муддао бўлди. Арканинг баланд ва мустаҳкам устунлари ҳам рамзий мазмунга эга, улар мустақил мамлакатимизнинг бақувват ва пойдор устунлари тимсолидир.

Нозик қузатувлар, чуқур-пухта ўйланган, сиёсат нуқтаи назаридан ҳам, маънавият, ҳаёт-турмуш тушунчалари бўйича ҳам — ҳар томонлама яхлит асосланган рамзлар, тимсоллар.

Юқорида тилга олинган ўша кўрсатувда арка лойиҳаси билан танишар экан, Президент унинг юқори қисмига ўрнатиладиган лайлак ва турналар шаклларидаги ҳақида тўхталиб, лайлаклар сокин осудалик, турналар эса парвоз ҳолатини акс эттириб туриши лозимлигини таъкидлаган эди.

— **Турналар — Ўзбекистоннинг рамзи, қанотини қоқиб, парвозга тайёр бўлиб турган, юксакка кўтарилаётган мамлакатимиз тимсоли. Лайлаклар эса — тинчлик белгисидир. Улар оппоқ рангда бўлиши, шакли бир оёқда турган ҳолатда ишланиши керак. Яъни, лайлаклар битта оёқда турса, ишончи бўлар эканки, атрофида ҳеч нарса уни қўрқитмайди, ҳеч қандай хавф-хатар унга таҳдид солмайди.**

Айни пайтда бу рамзий тимсол мамлакат тинчлигини, эл-улус тинчлик-осойишталикда ҳаёт кечираётганини англатади.

Эзгулик аркаси — узунлиги 150 метр, икки томони ўн, ўрта пештоқ қисми ўн икки метр баландликка эга, яна қатор кетган ўн олтита оқ мармар устунлардан иборат бўлган бу муаззам меъморий мўъжизадан беихтиёр ҳайратга тушасиз. Арканинг юқори қисмида, ўртада — пештоқ устида ўрнатилган мўъжаз Ер шари узра уч нафар турнанинг парвозга шайланиб турган ҳолати айланма шаклда ўз рамзий ифодасини топган. Беҳад жозибали, бағоят ҳаяжонли тимсоллар. Олижаноб мақсаднинг саньатга, нафосатга айланган шакли.

Эзгулик аркаси остонасидан то Мустақиллик монументига қадар — икки ёни қизил маъдантош кошиндан, ўртаси узун оқ пояндоз йўлак барпо этилган. Ёш йигит-қизлар никоҳ шодиёналарида шу йўлакдан юриб борадилар — оқ пояндоз гўёки уларнинг ҳаёт йўли андозасидай, умр йўллари оқ-ойдин бўлишига тилак билдириб, далолат қилиб туради.

Никоҳ аввал осмонларда, илоҳ томонидан қайд этилгандан кейингина Ерга тушади, дейилади. Табаррук бўсағадан ўтиб, қутлуғ ва муборак пояндоз узра қадам ташлаб бораётган фарзандлар қалбида шундай кунларга етказгани учун Яратганга шукроналар, илоҳий туйғулар жўш уриши табиий.

Ўша кўрсатувда Юртбошимиз, бу майдон нафақат сиёсий, балки илоҳий бир масканга айланишини истардим, дер экан, минг-минглаб ватандошларимиз дилидаги ҳис-туйғуларни ифода этган эди.

Турналар баланд учади

Эзгулик аркаси бу – шунчаки оддий иншоот ёки байрам муносабати билан топширилган навбатдаги қурилиш объекти эмас. Унинг Мустақиллик монументи рўпарасида ўрнатилишидан бошлаб, шакл-шамойили, безакларию кошинлари, устунларидан тортиб пойдевору пештоқларигача, рангию равоқларига қадар — ҳамма-ҳаммасининг рамзий, тимсолий маънолари бор.

Орзу-ҳавас. Ҳар қайси отаонанинг бу ҳаётдаги орзу-ҳаваси — фарзандли бўлиш, унинг бахту иқболини кўриш. Катта ҳаёт ҳам аслида кичик-кичик оилалардан, улуғ элнинг бахту толеи ҳам ёш оилаларнинг саодатидан бошланади.

Ёш келин-куёвлар янги ҳаёт бошлар эканлар, илк қадамларини шу бўсағадан – Эзгулик остонасидан ташласалар, Эзгулик дарвозасидан ўтиб, эзгу ниятлар билан турмуш қурсалар, турналар уларнинг бошлари узра жавлон уриб, рақс тушиб турсалар, умрларига оқлик, поклик тилаб, тинчлик ва осойишларига тимсол бўлиб икки елкаларида тургандайин, оналарнинг оқ фотиҳалари янглиғ оқ лайлаклар оқ йўл тилаб қолса... бу ҳаяжонли лаҳзалар, севинч дамлари бир умр ёдда қолмайдими, кўнгиллар шу онларни эслаб бир умр орзиқмайдими?..

Ўзбекистон — қуёш юрти, қуёш диёри. Уйимиз қуёшга қаратиб қурилган, юртимиз — қуёшга қараган юрт. Эзгулик аркаси ҳам қуёшга томон, қуёшга қаратиб қурилаётир. Қуёш ҳар тонг заррин нурларини аввал турналар, лайлакларга узатади, сўнгра оқ устунлардан аста таралиб тушиб, остонага бош қўяди. Эзгулик дарвозасидан кириб бораётган Эзгулик қуёши.

Турналар баланд учадилар. Улар юртимизга кўклам нафасини олиб келадилар, бахт ва сурур, софлик ва ёшлик келтирадилар.

Лайлаклар тонг саҳарда келадилар.

Турнага ҳам, лайлакка ҳам тажовуз қилиб бўлмайди, уларга тош отиш, чўчитиш мумкин эмас. Табиатнинг ҳам, Яратганнинг ҳам бу мўъжизавий қушлари эркинликни яхши кўради, озод самоларда парвоз этишни, озод манзилларда макон қуришни ёқтиради. Озод Ватанимизнинг Озодлик майдонида Эзгулик дарвозаси узра турналар, лайлакларнинг қад ростлаб туриши, Юртбошимиз айтганларидек, иншооллоҳ, шарафли ишларимизга ёр бўлгай, элу юртимизга файзу фароғат келтиргай.

Бугун юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламдаги қурилиш, реконструкция ва ободончилик ишлари аввало мамлакатнинг моддий-иқтисодий салоҳияти йилдан-йилга ошиб бораётганини, чеккан заҳматларимиз, қилган меҳнатларимиз ўз самарасини бераётганини кўрсатиб турибди. Янги давлат, янги ҳаёт қуришнинг пойдевори бўлмиш бу иқтисодий асослар ўз навбатида эл-улуснинг моддий-маиший фаровонлиги ортиб боришига ҳам хизмат қилмоқда.

Биз — бир замонлар эришиб бўлмасдай туюлган, лекин айни пайтда кўз ўнгимизда ҳар соат, ҳар кун содир бўлаётган бу оддий ҳақиқатларни англаб, тушуниб бормоқдамиз. Тушунганимиз сайин эса она Ватанни, истиқлол моҳиятини янада кенгроқ, теранроқ англаётирмиз.



Майдоннинг эгаси

Майдон доимо бедор, у ухламайди, кечаси ҳам, кундузи ҳам уйғоқ, бардам, баркамол вужуд мисол тўлиб-тошиб нафас оляпти, яшаяпти. Қадам боссангиз, кўнгил жимирлайди, руҳ ва жисмингизни ҳаяжон қоплайди. Бунда ғурур бор, шаъну шавкат, ифтихор бор. Бунда элу юртнинг орзу-мақсадлари муқаддас тимсолларга айланган.

Халқда ажиб нақл бор: ҳар қандай узоқ йўл ҳам биринчи қадамдан бошланади. Амир Темур бобонинг "Ҳар қандай баланд минора ҳам ердан, биринчи ғиштдан бошланади" деган ҳикматлари бу сўзлар билан нақадар ҳамоҳанг.

"Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг" деган чуқур ҳаётий маънога эга сўзларнинг айтилганига ҳам, мана, ўн икки йил бўлибди. Ўшанда туғилган чақалоқлар бугунга келиб ўн икки ёшга тўлди. Оилада ўғил туғилиши билан ота унинг келажаги учун қайғура бошлайди. Бўлажак иморатга деб яхши ниятлар билан терак, тол қаламчаларини қаторлаштириб ерга қадайди, кўчат экади, ниҳол ўтқазади.

Улуғ, катта юрт, Ватан ҳам худди шундай.

"Ўзбекистон деб аталган шу табаррук заминга эзгу ният билан бир ниҳол экмоқчи бўлсак, уни айнан шу бугун экишимиз керак". Юртбошимизнинг бу сўзларида мустақил Ватаннинг ёруғ истиқболи учун камарбаста бўлиш, фидойилик даъвати мужассам.

Истиқлолимиз — Буюк китобимизнинг муҳташам, залворли зарвараги, биринчи саҳифаси – Мустақиллик майдони. Ҳуррият йилларининг барча нашидасию қувончларини, жозибаю тароватини кўрган, завқу шодликларимиз, фахру ғуруримизни оламга намоён этган, 1999 йил февраль воқеаларининг тажовузи, доғу ҳасратини ҳам бошидан кечирган мустаҳкам, метин саҳифа.

Бу — биргина менинг эмас, миллион-миллион ўзбекларнинг, уларнинг ўғил-қизлари, шу ўғил-қизларнинг иқболи ва истиқболининг азиз, муқаддас мажмуаси, яна қанчадан-қанча келажак авлодларнинг табаррук, тўзимас китоби.

Ватан бир кундаёқ бунёд этилмайди, Ватан ўз-ўзидан Ватан бўлмайди. Бунинг учун юрт эгасидан тортиб, деҳқону талабагача, боғбондан то шоиру шофёргача, не-не улуғ зотлару яна неча-неча авлодларнинг, бир юрт, бир элнинг тамоми орзуниятлари, мақсад-муддаолари, меҳнати, интилиш ва ҳаракатлари, бедор, беҳаловат юраклар керак бўлади.

Бугунги Ватанимиз, мустақил она диёримиз худди шундай – уриб турган, беором ва уйғоқ улкан қалбга ўхшайди.

Президентимиз ташаббуси билан янги йил арафасида бу ерда яна бир табаррук рамз-она ва бола сиймоси акс эттирилган ҳайкал ўрнатилди. Сиёсий-ижтимоий жиҳатдан тўкис ва тугал майдон Мустақиллик монументи пойида Бахтиёр она сиймоси пайдо бўлиши билан мушфиқ ва меҳрибон бир қиёфа касб этди, мазмун ва моҳияти янада мукаммаллашди.

Кейин, Ўзбекистон Президентининг 2006 йил 3 февралдаги қарорига биноан, **"Мустақиллик майдонининг ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда тутган муҳим ўрни ва аҳамиятини инобатга олиб ҳамда халқимиз, айниқса ёш авлод қалби ва онгига истиқлол ғояларини, миллий ғурур ва ифтихор, ватанпарварлик туйғуларини янада чуқурроқ сингдириш мақсадида"** бир қатор ташкилотлар, кенг жамоатчиликнинг Мустақиллик майдонида бунёд этилган, ўзида Мустақиллик ҳайкали ва Бахтиёр она сиймосини мужассам этган янги мажмуага **Мустақиллик ва эзгулик монументи** деб ном берилди.

Мазкур қарор билан умумхалқ байрамлари, давлат миқёсидаги бошқа тантанали маросимларда Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гулчамбар қўйиш маросими расмий таомил мақомини олди.

Биргина тимсол, биргина рамз. Болани севадиган миллатнинг, оилапарвар ўзбекнинг, хонадонининг хотиржамлигини, элу юрт тинчлиги, осойишталигини доимо ардоқлайдиган ўзбекнинг тимсоли, инсоний муддаоларимизнинг мунис рамзи, ифодаси.

"Хотира майдони"да — мотамсаро она ҳайкали, бу ерда-бахтиёр она сиймоси. Ҳар икки ҳолатда — икки улуғ рамзларда улуғ ҳикматлар яширин.

Биз порлоқ, мунаввар бу дийдорлашув учун қанча жафоларни бошдан кечирмадик, қанча айрилиқлару, не-не ранжу аламларни кўрмадик, не азобли йўллардан ўтмадик. Чеккан заҳматларимиз зое кетмаётганининг, дўсту душманли дунёда, қийинчилик-машаққатларга қарамай ўз йўлимиздан дадил ва мардона, қатъий қадамлар билан бораётганимизнинг ҳам исботидир бу тимсоллар.

Қадам боссангиз — кўнгил жимирлайди бунда, яқинлашганингиз сайин руҳ ва жисмингизни ҳаяжон қоплайди. Орзиқасиз, севинасиз. Болакайларни ҳам, устоз, оқсоқол оқинларни ҳам бирдек тўлқинлантирган бетимсол тимсоллар:

Майдон мафтун этди
кўпларни ғоят,
Бу жойда айтилди
қанча ривоят.
Бир кун она-бола
кириб келдию
Майдон эгасини
топди ниҳоят.

Тошкентдан Токиога қадар

Ҳар кун тонг саҳардан то кечга қадар майдонга келиб-кетувчиларнинг кети узилмайди. Мактаб ўқувчилари, талабалар, хорижий сайёҳлар, онахонлару отахонлар, севишганлар — ҳар хил касб, ҳар хил соҳадаги одамларни учратиш мумкин. Ҳар бирининг ўзига яраша ташвиш ва юмушлари бор. Лекин бу ерга келганда кайфият ва ҳолатлари, завқу ҳаяжонлари бир хил. Алпқомат ўғиллари, неваралари билан айланиб юрган Мадирим бобо асли урганчлик экан. Саксон беш яшар соғлом, бақувват бу оқсоқол 1958 йилдан буён бирор марта ҳам Тошкентга келмаган экан. Лекин бобонинг Мустақиллик майдонини кезиб-кўриб, юз-қўлларида балққан қувончу ҳаяжони ёнидаги Қадамбой отлиғ ўн беш яшар неварасиникидан сира кам эмас эди.

Командирлари билан айланиб юрган аскар йигитларнинг кайфияти ўзгача. Улар яхши хизмат эвазига шаҳарни сайр қилиб келиш мукофоти билан сийланганларидан мамнун. Беш аскардан уч нафарининг исми Шавкат экан. Бойсун, Марғилон, Элликкалъадан, яна Самарқанд, Қаршидан хизматга чақирилган болалар. Темурбек, бошқа бировнинг исми-Озодбек. Исмлари ҳам қадду қоматларига ғоят ярашган харбий кийимлари каби рамзий, тимсолий. Улуғ боболарига ўхшаб озод ва шавкатли бўлиб юрсин, шаъну шавкат келтирсин деган яхши ниятлар билан қўйилган.

Аждодлар ва авлодлар.

Бу йигитлар ҳеч қачон керилмайди. "Бизлар шавкат келтираяпмиз" деган гапларни икки дунёда ҳам гапирмайди. Лекин ичларида, дилларида эгарланган отлар, тулпорлар бор. Буни биз ғурур деймиз, ор-номус деб атаймиз.

Тошкентдан Токиога қадар, сўраб кўринг — билишади буни. Ҳазрат Алишер Навоийга эъзозэҳтиром кўрсатиб, ул зотга ёдгорлик ўрнатган кунчиқар мамлакат элининг қалбидаги эзгулик билан бизнинг қалбимиздаги эзгулик ўртасида қандай фарқ бор? Эзгуликнинг миллати, элати бўлмайди – бани башар буни бирдек англайди, қадрлайди.

Бир япон бобо, эгнида ўзбекча чопон, бошида ўзбек дўпписи, худди ўзимизнинг Жовлимурод бувага ўхшаб қолган япон археологи – муҳтарам Като бобо нима дейди?

— Мен неча йиллардан буён ўзбек тупроғида, Термиздаги кўҳна қалъалар орасида, биласизми, нимани излаяпман? Халқимнинг, Ватанимнинг тарихини, шаъну шавкатини қидираяпман. Мен ер остидан мўъжизалар топсам, сизлар ер устида — ўз Ватанингизда мўъжизалар қураяпсизлар. Сизнинг тупроғингиз — мўъжизавий тупроқ...

Беихтиёр ўйлаб кетаман. Като бобо қаҳвасини ичиб, хушҳаво ва сўлим япон ороли соҳилида қарилик гаштини суриб ўтирса ҳам бўларди-ку? Уни бу қумтепалар қаърида чанг-тупроққа беланиб, японча ҳаётнинг бор роҳату фароғатидан кечиб яшамоққа нима мажбур қилди экан?

Ўша ор-номус, ўша Ватан туйғуси, яна ўша ғурур ва шаъну шавкат. Инсонга инсонлик ҳуқуқи ва шарафини берадиган ўлмас туйғулар.

* * *

Кунлар, ойлар ўтади, фасллар такрор-такрор алмашиниб, ҳаётга, тирикликка рангу ифорлар таратиб кетади.

Эзгу мақсадлар, яхши ниятларнинг рўёбга чиқмоғи бор.

Келажак уфқларига умид тўшаётган темир йўлларимиз, орзу-мақсадларимизнинг соҳиллари бирлаштираётган кўприкларимиз. Буғдойи деҳқон қўлларидан тус олган тупроқ, табаррук замин.

Янги-янги йиллар келади.

Тойчоқларнинг тулпорларга, полапонларнинг сор бургутларга айланмоғи рост.

"Уйинг тинч — юртинг тинч" деган ҳикматни тескарисига ўгириб ўқинг-чи. Ҳар икки ҳолатда ҳам мазмун ўзгармайди. Бизнинг миллатда уй билан юрт, юрт билан уй — бир яхлит тушунча: жону тан мисол, жисму жон янглиғ.

Бугун бу уйнинг муаззам остонасига муаззам тимсоллар қўйилди — Эзгулик аркаси, Мустақиллик ва эзгулик монументи бунёд этилди.

Соҳибқирон Амир Темур бобомиз ўз вақтида кўчаларни кенгайтириб, Арки Олий барпо этгани ҳақида сўз юритар экан, буларни ўз кўзи билан кўрган испан элчиси Клавихо **"Қарийб йигирма кун ичида шундай улуғвор ишлар амалга оширилдики, чиндан ҳам бу ҳайратомуздир",** деб ёзади.

Жадал суръатларда Эзгулик аркаси, Мустақиллик ва эзгулик монументи бунёд этилиши, Эски шаҳардаги, Миллий боғдаги, Самарқанд, Қарши, Марғилон, Термиз, Урганч, Нукус шаҳарлари, қўйингчи, бутун мамлакатдаги беқиёс ўзгаришларга, агар Клавихо тирик бўлганда, бугун ҳам худди шундай деган бўларди.

Янги-янги йиллар, янги-янги авлодлар келадилар.

Ҳаёт боғининг гул-чечакларидай, тириклик бўстонининг навниҳоллари мисол қоракўз, қорақош болакайлару қизалоқлар бу остонадан Ватан дарсини оладилар, ифтихорга, ғурурга тўлиб, юрт тарихини ўрганадилар, Ватанни англайдилар.

Ва шунда улар оғир ва машаққатли йилларда, синов ва қийинчиликларни матонат билан енгиб, ота маконимиз, муқаддас диёримиз — азиз ва жонажон Ўзбекистон келажагини ўз қўллари билан яратган фидойи инсонларнинг номларини, албатта, миннатдорлик билан ёдга оладилар.

Яратган бекорга
карам қилмаган,
Отам, онамдайин
қуёшим, ойим.
Чингиз, Ботуларга
қарам бўлмаган
Бу халқ — меникидир,
туғилган жойим,
Етти пуштим шунда,
ташвишим, тўйим,
Бу — сенинг уйингдир,
бу менинг уйим.

Токи бу тупроқда
қолгай изларинг,
Ору номусинг ҳам жисминг
тан-батан.
Талпиниб келгувчи
ўғил-қизларинг,
Энг азиз, энг порлоқ
остонанг — Ватан.
Сенинг ёруғ юзинг,
менинг — ранг-рўйим,
Бу — сенинг уйингдир,
бу — менинг уйим.

Сирожиддин САЙЙИД.

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

Навоий давлат педагогика институтида "Амир Темур ва унинг дунё тарихида тутган ўрни: тарих ва ҳозирги замон" мавзуида республика илмий-амалий анжумани ўтказилди.

Халқаро Амир Темур жамғармаси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти бўлим мудири О. Бўриев, Навоий давлат педагогика институти ректори, профессор Х.Иброҳимов ва бошқалар сўзга чиқиб, Амир Темурнинг ўзбек давлатчилиги тарихида тутган ўрни, ҳаёт йўли, бой маданий ва маънавий мероси ҳақида тўхталдилар.

Бугунги Навоий вилояти ҳудудида ҳам Амир Темур ташаббуси билан бунёд этилган тарихий обидалар, меъморий ёдгорликлар кўп. Манбаларда саркарданинг Карманадаги Работи Малик қўрғонида, Қизилтепа туманидаги "Тавоис", Навбаҳор туманидаги "Ижанд" қишлоқларида бўлгани, ул зот кўрсатмаси билан бу ерларда ҳам бунёдкорлик ва ободончилик ишлари амалга оширилгани ҳақида маълумотлар учрайди.

Анжуман қатнашчилари тадбир доирасида вилоятдаги Соҳибқирон қадамжоларини, қадимий Нурота, Сармиш, Работи Малик, Сардоба каби тарихий обидаларни зиёрат қилдилар.

Ёрқул УМАР,
ЎзА мухбири.

Шу йилнинг 11 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳрида йўловчи транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинганди. Ўтган қисқа фурсатда соҳада амалга оширилган ислоҳотларнинг самараси қандай бўлди? Йўловчилар шаҳар транспорти ишидан қониқиш ҳосил қилаяптими? Қуйида шулар ҳақидаги икки фикр эътиборингизга ҳавола этилади.

Ўзгаришлар кўзга ташланаяпти

Сўнгги йилларда мамлакатимиз пойтахтида аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш сифати тубдан яхшиланди, дейишга асос бор. Энг замонавий русумдаги «Мерседес-Бенц» автобуслари келтирилди. Кўплаб йўналишлардаги автобус, троллейбус ва трамвай йўллари бутунлай қайта таъмир этилди. Бундан ташқари, метронинг учинчи — Юнусобод йўналиши қуриб, фойдаланишга топширилди. Шаҳарнинг бу қисмида аҳоли зич жойлашган. Истаймизми-йўқми, бошқа ҳудудларни Юнусобод билан боғловчи автобуслар қанчалик кўпайтирилишига қарамасдан, тиғиз пайтларда йўловчиларга турли қийинчиликлар туғиларди. Кимдир ишга, талаба дарсига кеч қолиш ҳоллари кўп учрарди. Юнусобод метро йўналиши бу каби муаммоларнинг барчасини бартараф этди.

Президентимизнинг «Тошкент шаҳрида йўловчи транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинганидан сўнг шаҳар транспорт тизимида бир қатор ислоҳотлар бошланди. Бу ислоҳотларнинг барчаси, аввало, йўловчилар манфаатини кўзлаб амалга оширилмоқда.

«Тошшаҳартрансхизмат» (собиқ «Тошшаҳарйўловчитранс») хўжалик ҳисобига ўтказилди. Чунки, бугунги кунда барча инфратузилмалар бозор иқтисодиёти шароитига мослашиши керак. Бундан ташқари, турли йўналишлар тендер савдолари орқали хусусий тадбиркорларга берилаяпти. Бу ҳам йўловчиларга ҳар жиҳатдан қулайлик туғдиради. Айни пайтда шаҳарда 168 та йўналишда хусусий тадбиркорлар хизмат кўрсатишаяпти. «Тошшаҳартрансхизмат» маъмуриятидан олинган маълумотларга қараганда, яна янги-янги қўшимча йўналишлар очиш бўйича таклифлар тушаяпти. Бу эса бир манзилга икки-учта транспорт ўрнига битта транспортда етиб олиш имконини беради.

Шу ўринда бир ҳаётий ҳақиқатни таъкидлашни истардим. Рақобат бор жойда, албатта, сифат бўлади. Эндиликда, ҳар куни йўналишларда қатновчи хусусий автобус ҳайдовчилари тиббий кўрикдан, уларнинг автоуловлари эса техник кўрикдан ўтказилаяпти. Бу эса йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш йўлидаги янги қадамдир. Эътибор берган бўлсангиз, илгари хусусий автобус эгалари транспортини техник кўрикдан ўтказмасдан тўғридан-тўғри рейсга чиқиб кетаверарди. Энди улар бундай қилолмайди.

Мазкур фармонда йўл ҳақи тўлашни соддалаштиришга, маблағларнинг тўлиқ йиғиб олинишини таъминлашга ва хизмат кўрсатишдан тушган накд пулларни яшириб қолиш каби суиистеъмолликларга барҳам бериш, босқичма-босқич такомиллаштириб бориш тўғрисида алоҳида кўрсатма берилган. Тез орада паттачиларга ҳожат қолмайди. Ривожланган давлатлардаги каби жамоат транспортида кира ҳақини тўлаш автоматлаштирилади. Мазкур механизмнинг соҳада татбиқ этилиши хизмат кўрсатишдан тушаётган маблағларнинг йиғилиши устидан тўлиқ назорат ўрнатиш имконини беради. Шу билан бирга, хизмат кўрсатиш таннархининг камайиши ва сифатини оширишга хизмат қилади. Қолаверса, «Тошшаҳартрансхизмат»нинг молиявий имкониятлари кенгайиши йўловчилар учун янгидан-янги қўшимча хизматларнинг яратилишига олиб келади.

Бир йўловчи сифатида айтишим мумкинки, аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш йилдан-йилга такомиллашиб бораяпти. Бу эса соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самара бераётганини кўрсатади. Бунга эса ҳар бир йўловчининг ўзи гувоҳ бўлиб турибди.

Юнус БЎРОНОВ.

Янгилик қулайлик туғдирсин

Президентимиз Фармонида Тошкент шаҳрида йўловчи транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш йўллари аниқ-тиниқ кўрсатиб ўтилган. Гап энди уни тўла амалга оширишда.

Маълумки, мазкур фармонга асосан «Тошшаҳарйўловчитранс» акциядорлик компанияси «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмасига айлантирилди. Бу билан унинг шаҳар транспортини тўғри ташкил этиш бўйича ваколатлари оширилди. Соҳадаги муаммоларни ўзи ҳал қилиш ҳуқуқи берилди. Лекин орадан салкам уч ой ўтган бўлса-да, ислоҳотлар жуда секинлик билан амалга оширилмоқда. Масалан, йўналишлардаги автобус ва троллейбуслар метро бекатлари устида, катта бекатларда ўн-ўн беш, баъзан йигирма дақиқалаб йўловчи йиғади. Ҳайдовчига эътироз билдирсангиз, «Бизда ҳам режа бор, ака» деган гапни эшитасиз. Ташқарида 40 даража иссиқми ёки 15 даража совуқми, уларга мутлақо фарқи йўқ. Бу ҳақда бир неча марта матбуотда чиқиш қилинган. Бироқ ҳанузгача жиддий ўзгариш бўлмаяпти. Наҳотки, ушбу муаммони ҳал этиш шунча қийин бўлса? Ахир, бунинг учун маблағ керак эмаску. Ҳайдовчиларни назорат қилиш зарур, холос. Қолаверса, одамларнинг вақтини ўғирлаш уларнинг ҳуқуқларини поймол этиш ҳисобланади. Ривожланган мамлакатларда бундай ҳаракат учун ҳайдовчи жазоланади.

Шаҳар транспорти ҳақида гап кетганда, ҳайдовчи ва чиптачининг муомала маданияти ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Афсуски бугун бизга хизмат кўрсатаётган кўпгина ҳайдовчи ва паттачиларда шу хислат етишмайди. Айрим паттачилар шунчалик қўполки, оғзидан чиққан гапни эшитиб уялиб кетасан. Умуман, шундай одамларнинг пойтахт транспортида ишлашга маънавий ҳаққи бормикан, деб ўйланиб ҳам қоласан баъзан. Ахир, уларни ишга олаётганда синаб кўриш, аввал ишлаган жойидан тавсифнома талаб қилиш лозим эмасми?

Шу ўринда йўловчи маданияти ҳақида ҳам икки оғиз тўхталиб ўтсак. Бировдан хуш муомала талаб қилишдан олдин, ўзинг ҳам хушмуомала бўл, деган гап бор. Айрим йўловчилар автобусларнинг деворларига, ўриндиқларига турли ёзувларни ёзиб ташлашади. Ахир, уларни ўчириш, тозатиш, ямаш учун ўзимизнинг маблағимиз сарфланади-ку.

Мен шаҳар транспорти ҳақидаги аввалги мақолаларимда ҳам йўловчидан тушган пулни тўла йиғиш механизми йўқлиги тўғрисида ёзгандим. Президент Фармонида бу муаммо тўғри таъкидланган. Автобус салонида паттачи бўла туриб, эшикларни навбатма-навбат очиб, йўловчилардан пул йиғиш анъанаси ҳали ҳам давом этмоқда. Тиғиз пайтларда буни тушуниш мумкин, лекин автобус бўш бўлган ҳолларда ҳам паттачилар йўловчи тушаётганда пул йиғади. Албатта, бу унга фойдали. Чунки тушаётган одамга патта бериш шарт эмас.

Илгари ҳайдовчилар қайси бекатга келганини, кейингиси қайси эканлигини микрофон орқали йўловчиларга эслатиб турарди. Бугун аксарият транспортда бундай одатни учратмайсиз. Нега?. Аслида хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш мана шундай оддий, кўзга майда кўринган вазифаларни амалга оширишдан бошланади.

Хуллас, бугун шаҳар транспорти тизимида ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар анчагина. Уларни Президентимизнинг юқорида келтирилган Фармонида кўрсатилган барча вазифаларни амалга ошириш билангина бартараф қилиш мумкин.

Беккул ЭГАМҚУЛОВ.

Турлича фикр

Амир Темур таваллудининг 670 йиллигига

Адолатни раҳнамо билиб

Шарафуддин Али Яздий ўзининг «Зафарнома» асарида қайд этишича, Амир Темур хислатларидан бири давлат, мамлакат, фуқарога ғамхўрлик эди. Унинг асосий қоидаси «Рости-русти», яъни «Ҳақиқат — сиҳат-саломатлик, ҳақиқат — тартиб, ҳақиқат — адолат» эди.

«Темур тузуклари»да баён этилганидек, Амир Темурга бўйсунган янги давлатларда пайғамбар авлодларига, қонун тарғиботчиларига, олимлар ва кексаларга нисбатан ҳурмат ҳамда эҳтиром билан муносабатда бўлинган, уларга нафақа белгиланган. Бўйсунган мамлакатларнинг бадавлат кишиларига нисбатан оғаниларим, етим-есир ва камбағалларга нисбатан болаларим қабилида муносабат билдирилган. Мағлуб бўлган мамлакатлар қўшинлари Амир Темур қўшинларига қўшилган. Соҳибқирон ўзига тобе мамлакатлар учун адолат эшигини очган эди. Шу билан бирга, ўғирлик ва талончиликнинг барча йўлларини беркитиш чораларини кўрган. Ҳар жабҳада, бу ишлар қайси ўлка халқига тааллуқли бўлмасин, ҳокимларнинг адолат томонида қаттиқ туришларига буйруқ берилган.

Амир Темур ўз даврида кишиларни ижтимоий ҳимоялаш борасида қуйидагича фармойиш берган эди: *«Сармояси қўлидан кетиб қолган савдогарга ўз сармоясини қайтадан тиклаб олиши учун хазинадан етарли миқдорда олтин берилсин. Деҳқонлар ва раиятдан қайси бирининг деҳқончилик қилишга қурби етмай қолган бўлса, унга экин-тикин учун зарур уруғ ва асбоб тайёрлаб берилсин. Агар фуқародан бирининг уй-иморати бузилиб, тузатишга қурби етмаса, керакли ускуналарни етказиб бериб, унга ёрдам берилсин».*

Амир Темур адолат муаммосини жамоатчилик фикрига асосланган ҳолда амалга оширган. «Зафарнома»да ёзилишича, Амир Темур олиму уламолар билан ўтказган бир учрашувида нутқ сўзлаб, уларнинг зиммасига улкан вазифаларни юклаган. «Илм ва диннинг машҳур кишилари ўз маслаҳатлари билан подшоларга ёрдам бериб келганлар. Сизлар эса менга нисбатан бундай қилмаяпсизлар. Менинг мақсадим — мамлакатда адолат ўрнатиш, тартиб ва тинчликни мустаҳкамлаш, фуқаронинг турмушини яхшилаш, юртимизда қурилишни кучайтириш, давлатларимизни ривожлантиришдир. Сизлар бу ишларни амалга оширишда менга ўз маслаҳатларингиз билан кўмаклашишингиз керак. Мамлакатнинг аҳволи, девоннинг суиистеъмол қилинганлиги ва қилинаётганлиги, оддий одамларнинг қуйи бўғиндаги амалдорлар томонидан эзилаётгани мендан кўра сизларга аёндир. Шулар ҳақида маълумот берингиз. Бу каби адолатсиз ишларни бартараф этувчи ҳамда шариат ва қонунларга мувофиқ чора-тадбирларни айтсангизлар яхши бўларди», деган эди соҳибқирон.

Амир Темур қонун устуворлигига катта эътибор билан қараган. Ҳатто васиятида ҳам: «Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир. Адолат ва озодлик дастурингиз, раҳбарингиз бўлсин» дейилган.

Амир Темур ўзининг бутун ҳаёти давомида беш нарсага эътиқод қилган ва умрининг охирига қадар уларга оғишмай амал қилган:

1. АЛЛОҲ. Амир Темур Аллоҳни ҳар нарсага қодир куч, унга сидқидилдан сиғинсанг, истаган мурод-мақсадингга етказади, деб билган.

2. ТАФАККУР. Амир Темур тафаккурни фикрлаш ва мушоҳада қобилияти, қувваи ҳофизаси, ҳар қандай мушкулни ҳал қилиш йўли, қалити сифатида баҳолаган ва унга чуқур эътиқод қўйган.

3. ҚИЛИЧ. Соҳибқирон қилични йигитнинг йўлдоши, эл-юрт осойишталигининг посбони, ҳар қандай душманни маҳв этиш қуроли, деб билган. Аммо қилични ишлатишда ақлидрок, тафаккур ва иймон талабидан келиб чиқиш лозимлигини маслаҳат беради. «Қиличим ўткир бўлсада, — деган эди Амир Темур, — ўйлаб қинидан чиқардим, ширин сўз айтиб, ғанимнинг имон топмоғига йўл очдим».

4. ИМОН. Амир Темур фикрича, имон инсонни барча жониворлардан ажратувчи хусусиятдир. Имонли одам хиёнат қилмайди, қариндош-уруғлари, элу халқнинг ор-номусини ҳимоя қилади, ҳалоллик ва покликни фазилат деб билади.

5. КИТОБ. Амир Темур китобни барча бунёдкорлик, яратувчилик ва ақл-идрокнинг, илму донишнинг асоси, ҳаётни ўрганувчи мураббийдир, деб баҳолаган, шу тариқа илму фанга, маданиятга чуқур ихлос, ҳурмат билан қараган ва эътиқод қўйган.

Амир Темур фаолиятида яратувчилик масаласи марказий ўрин эгаллайди. Хусусан, у табиатга ва инсонга нисбатан меҳр билан қараган, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга эътиборни қаратган. Қаерда бўлмасин, ариқлар қаздириш, сув чиқариш, боғ-роғлар барпо этишга фармойишлар берган. «Ҳамишалиғ таъкид этур эдим, — деган эди Амир Темур, — хон бўлсангда боғ ярат, гадой бўлсангда, боғ ярат — бир кунмас бир кун мевасини татирсан». Унинг махсус фармойиши билан кимки бирон саҳрони обод қилса ё бирон боғ кўкартирса, ёхуд бирон хароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч қандай солиқ олинмаган. Хароб бўлиб ётган ерлар эгасиз бўлса, холиса тарафидан обод қилиниши, агар эгаси бўлса-ю, лекин обод қилишга қурби етмаса унга турли асбоблар ва керакли нарсалар бериш буюрилган.

Шуни унутмаслик керакки, ҳар бир халқ, элат ўз ўтмишини, тарихини билмай, унинг моҳиятини тушунмай, ўз томирига назар солмай туриб, ўзлигини тўла англаб етолмайди. Келажак режаларини тузишда, тўғри йўлни бехато аниқлашда бу жараёнлар муҳим аҳамият касб этади. Президентимиз таъкидлаганидек: **«Амир Темур шахсини идрок этиш — тарихни идрок этиш демакдир.**

Амир Темурни англаш — ўзлигимизни англаш демакдир.

Амир Темурни улуғлаш — тарих қаърига чуқур илдиз отган томирларимизга, маданиятимизга, қудратимизга асосланиб, буюк келажагимизга ишончимизни мустаҳкамлаш демакдир».

Амир Темур — халқимиз даҳосининг тимсоли, маънавий қудратимиз рамзидир. Бас, шундай экан, Амир Темур сиймоси инсонийлик чўққисида турадики, буни ёш авлод учун ҳар қанча намуна қилиб кўрсатсак, арзийди.

Шомат САМАТОВ,
Термиз давлат университети профессори.

ЎЗБЕКИСТОН БАДИЙ АКАДЕМИЯСИ ТАСАРРУФИДАГИ
РЕСПУБЛИКА ТАСВИРИЙ ВА АМАЛИЙ САНЪАТ ЛИЦЕЙ-ИНТЕРНАТИ
2006-2007 ўқув йилига 1999 йилда туғилган иқтидорли ўғил ва қиз болаларни
ТАСВИРИЙ САНЪАТ ВА МУСИҚА БЎЛИМЛАРИГА
танлов асосида ўқишга қабул қилади.
Қолган синфларнинг бўш ўринларига мутахассислиги бўйича тайёргарлиги ва қобилияти бор бўлган ўқувчилар танлов асосида қабул қилинади.
Қабул имтиҳонлари 1 июндан бошланади.
Аризалар 2006 йил 1 майдан 31 майгача қабул қилинади.
Манзилимиз: 700152, Тошкент ш., Учтепа тумани, 22-мавзе, 1-«А» уй.
Автобуслар: 2, 8, 33, 41, 77, 87, 182. Троллейбуслар: 12, 13, «Москва остонаси» бекати (Подмосковная). Телефонлар: 74-92-21, 74-96-44.

Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

Инсон қалби манзаралари

Ижодкор дунёни қалб кўзи билан кўради. Атрофнинг мафтункорлигини нозик сезгиси билан илғайди. Моҳир фотосанъаткор Абдуғани Жуманинг шахсий кўргазмасига ташриф буюрганлар, аввало, ана шундай истеъдодни ҳис этади.

Сураткашликдаги дастлабки қадамини турли газета ва журналларда ҳаваскор ижодкор сифатида бошлаган журналист сўнгги йилларда ўзини бадиий ижодга бағишлади. Қисқа вақтда республика миқёсидаги кўплаб танловлар ғолиби бўлди. Япония, Люксембург, Хитой каби мамлакатларда, Берлин, Брюссель, Антиверпен шаҳарларида ўтказилган нуфузли фотокўргазмаларда иштирок этди. Суратлари шахсий коллекциялардан жой олди.

Кўргазма

Кеча Тошкент Фото уйида очилган "Қалбим меҳваридан ўтаётган дунё" номли кўргазмадан фотосанъаткор энг сара асарлари ўрин олган. Айниқса, унинг портрет ва пейзаж жанрига оид суратлари, туркум ҳаётий лавҳалари киши эътиборини ўзига тортади. Томошабин улардаги чуқур бадиий, психологик ҳолат таъсирига тушади. Жумладан, "Овчининг фарёди", "Азал ва абад", "Ҳаёт" каби суратлари, "Туш", "Тазарру" деб номланган туркумлари йиғилганларда катта таассурот қолдиради.

Анвар САМАДОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Марказий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари, республика Давлат солиқ қўмитаси ҳамда вилоят солиқ хизмати ходимлари иштирокида бўлиб ўтган икки кунлик семинар-тренинг республика Президентининг солиқ тизимига оид фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг бу борадаги қарорларининг жойлардаги ижросини таъминлаш, ОАВда ёритиш масалаларига бағишланди.

Мақсад – ижрони таъминлаш

Семинар-тренингда «ОАВ ҳамда солиқ идораларининг ҳамкорликдаги фаолиятлари», «Мамлакатимизда солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари ва Давлат солиқ идоралари фаолиятини ОАВда ёритишни ташкил этишдаги галдаги вазифалар», «Матбуот, телевидение ва радиода лавҳа, репортаж ҳамда рейд материалларини тайёрлашда тил маданияти» каби мавзулардаги чиқишлар иштирокчиларнинг қизғин мунозараларига сабаб бўлди.

Шундан сўнг, тадбир иштирокчилари вилоят Давлат солиқ бошқармасида ташкил этилган матбуот маркази ва ижодий гуруҳ фаолияти билан танишдилар.

Семинарнинг иккинчи куни иштирокчилар вилоятдаги оммавий ахборот воситалари ходимлари билан учрашдилар. Давра суҳбатлари, амалий машғулотлар уюштирилди.

Баҳриддин САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Шаҳар марказида жойлашган
«ФЕСТИВАЛЬ» РЕСТОРАНИ
қуйидаги тадбирларни ўтказиш учун буюртмалар қабул қилади:
* никоҳ кечалари;
* наҳорги ош;
* банкетлар;
* комплекс тушликлар.
Пул тўлаш — сиз истаган шаклда.
Тошкент ш., «Ўзбекистон» к., 98-«А» уй.
Тел.: 144-26-22, 395-81-23.
Мўлжал: Киночилар уйи.

«HUQUQIY MADAD»
адвокатлик-маслаҳат фирмаси
2006 йилнинг "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" деб эълон қилиниши муносабати билан хайрли ишга қўл урди.
МАСОФАДАГИ ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТ
Ўзбекистон Республикасида яшаб келаётган, фаолият юритаётган жисмоний ва юридик шахсларга бевосита хат ва электрон почта (e-mail) орқали ҳуқуқий муносабатларда юзага келган турли мураккабликдаги саволларга ёзма равишда жавоб беради.
"HUQUQIY MADAD" адвокатлик-маслаҳат фирмасида фаолият юритувчи барча адвокатлар юқори малака ва тажрибага, шунингдек, адвокатлик фаолиятини амалга ошириш учун махсус лицензияга эга.
Мурожаат учун почта манзиллари — хатлар учун: 100000, Тошкент шаҳри, бош почтамт, абонент кутиси №375 e-mail: hmadad@sarkor.uz ва huquqiy_madad@yahoo.com
Хизматлар лицензияланган

Бу боғлардан тароват ўчмас

Самарқанддан
Шаҳрисабз тараф,
Юрсанг, йўлинг эрур дара, тоғ.
Лол қоласан бу ҳолга қараб:
Тоғ бағирлаб кетган улкан боғ.

Ушбу боғни барпо қилган ким,
Ким сабзазор айлаган қирни?
Юз-юз йиллаб
бу боғнинг сўлим —
Туришлиги суйлар не сирни?

Гап шундаки, бунда илдизлар
Жойни хоҳлаб чуқурга кетмиш.
Қучганидай баргни юлдузлар,
Томирлари чашмага етмиш.

Ўз юртининг суюк фарзанди —
Темур,
Қирон солиб ёвларга.
Мамлакатнинг осуда пайти,
Асос солган шундай боғларга.

Бу боғлардан тароват ўчмас,
Чунки сувга етган
томирлар.
Бу боғ яшнар,
У асло сўлмас,
Тирик ахир бугун Темурлар!

Ғулом ШОМУРОД.



Давлат, хусусий ва бошқа мулкчилик шаклидаги корхоналар раҳбарлари диққатига!
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАХСУСЛАШТИРИЛГАН ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ БОШҚАРМАСИ
қуйидагиларни сотиб олиш учун танлов эълон қилади:
кундалик фуражка, қоракўл қулоқчини, сунъий мўйнали қулоқчин, ҳарбий қурувчилар учун шувоқ (полынь) рангли ип газлама дала фуражкаси, оқ рангли устки кўйлак, денгиз тўлқини рангли устки кўйлак, денгиз тўлқини рангли галстук, ҳарбий қурувчилар учун шувоқ рангли ёзги дала костюми, мутахассислар учун кўк рангли ёзги костюмлар (куртка ва комбинезон), почапўстин, госпитал береткаси, эркаклар учун госпитал ёзги курткалари ва шимлари, пахтали ёстиқ, бир кишилик пахтали тўшак (матрац), ип аралашган жунли армия одеялоси, рангли ётаржой тўплами (70х70 см. ўлчамдаги ёстиқ жилди — 2 та, ип газлама чойшаб — 1 та, ип газлама кўрпажилд — 1 та), 100х180 см. ўлчамдаги болалар чойшаби, идиш-товоқ сочиғи, ошпазлар бош кийими, ошпазлар курткаси, ошпазлар шими, ипакли астарбоп газлама (саржа), офицерлар ва шартнома асосида хизмат қилувчи ҳарбийлар учун ассортиментда погонлар, Олий ҳарбий умумқўшин билим юрти курсантлари учун погонлар, кокардалар, эмблемалар, кўкрак нишонлари, нашивкалар, ассортиментда тугмалар, ҳарбий унвонлар бўйича ажратиш белгилари, МОК (ССО) учун ҳимоя рангли шеврон (енг белгиси), МОК учун шувоқ рангли шеврон (енг белгиси), «соя» рангли камуфляж шеврон (енг белгиси), денгиз тўлқини рангли шеврон (енг белгиси), олтин рангли тўқилган шнур, 35х75 см. ўлчамдаги паҳмоқ сочиқлар, махсус чарм қўлқоплар (бармоқларсиз), уч бармоқли камуфляж қўлқоплар (руковицы), офицерлар чарм анжомлари, сақлагич каска ва кўзойнаклар, тизза ва тирсакни ҳимоялайдиган буюмлар (наколенник ва налокотник) тўплами, универсал жилет, МОК учун кроссовкалар, совуқ тоғ шароитида кийиладиган этиклар (бахилы), 25-шаклдаги ҳисобда турадиган ҳужжатлар китоби, 26-шаклдаги бўлинмада моддий бойликлар ҳисоби ва ҳаракати китоби, 27-шаклдаги моддий бойликлар ҳисоби ва ҳаракати китоби, ҳисоб-китоб бланкалари, хаммом мочалкаси, матрац ости буюми, кроват олди гиламчаси, оқ халат, қорамтир халат.
Танловда иштирок этиш учун аризалар ва намуналар ҳар куни, 10 иш куни давомида, 7-17 апрель кунлари соат 10.00дан 12.00гача қабул қилинади (Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг рухсатномалар бериш хонаси). Таклифлар калькуляциялар, намуналар эса аккредитациядан ўтган мустақил лабораториялар текшируви натижалари бўйича туэилган баённомалар билан бирга тақдим этилиши лозим.
Ташкилотлар вакиллари 20 апрель куни соат 10.00 да очиқ танлов савдоларида иштирок этиш учун Мудофаа вазирлигининг рухсатномалар бериш хонасига келишлари сўралади.
Аризаларни қуйидаги манзилга: 700000, Тошкент шаҳри, Академик Абдуллаев кўчаси, 100-уй ёки қуйидаги факсга: 8 10 998 (371) 169-85-77 юбориш лозим. Маълумот олиш учун ҳар куни соат 9.00дан 18.00гача қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 8 10 998 (371) 169-88-54, ички тел.: 68-54, 68-69. Факс: 169-85-77.

Вниманию организаций, предприятий и фирм независимо от вида деятельности!
ОБЪЕДИНЕННАЯ ДИРЕКЦИЯ СТРОЯЩИХСЯ ПРЕДПРИЯТИЙ № 8 КАШКАДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ
ОБЪЯВЛЯЕТ ПОВТОРНЫЕ КОНКУРСНЫЕ ТОРГИ
на покупку электрооборудования для строительства Гиссаракской ГЭС на реке Ак-сув в Кашкадарьинской области.
ЛОТ-1. Изготовление электрооборудования собственных нужд переменного тока 0,4 кВ.
Щит собственных нужд ШСН-0,4 кВ, 2 комплекта, состоящие из:
- комплектного распределительного устройства 2ШСН-0,6-630/10/0,4 — 1 комплект;
- комплектного распределительного устройства ШСН-0,6-630/10/0,4 — 1 комплект;
- шинного моста — 1 шт.
ЛОТ-2. Поставка электрооборудования ОРУ-110 кВ:
- выключатель элегазовый 110 кВ, 2500А, 40 кА, ВГТ-110-40/2500 — 4 комп.;
- разъединитель трехполюсный 110 кВ, 110 кВ,1000А, РДЗ-2-110-1000 — 8 шт.;
- разъединитель трехполюсный 110 кВ, 110 кВ,1000А, РДЗ-1-110-1000 — 6 шт.;
- трансформатор тока 110 кВ, ТФЗМ-110-1У — 12 шт.;
- трансформатор напряжения 110 кВ, НКФ-110-83 У1 — 6 шт.;
- ограничитель перенапряжения 110 кВ ОПН-110 — 12 комп.;
- шинная опора 110 кВ, ШО-110 ВУ1 — 5 комп.
ЛОТ-3. Изготовление токопроводов генераторного напряжения 10 кВ тип ТЗК-10:
- токопровод комплектный 10 кВ, закрытый, с круглым кожухом, 2000А, 128/кА, диам. оболочки токопровода не более 706 мм, м — 2х29 шт., в том числе аппаратура, встраиваемая в токопровод:
а) трансформатор тока, КТТ 75/5А, класс точности вторичной обмотки — 10р/10р — 2х3 шт.;
б) ограничитель перенапряжения 10 кВ — 2х3 шт.;
в) трансформатор напряжения 10 кВ, 10000/УЗ/100/УЗ/100/3 1у=49,8 кА, 1у=29,6 кА на шинах КРУ — 2х3 шт.
ЛОТ-4. Изготовление электрооборудования КРУ-10 кВ:
Комплектное распределительное устройство КРУ-10 — 10 ячеек., состоящее из:
- шкафа ввода типа К-105 (177-1-305)-10-31,5/2000 УЗ — 4 ячейки;
- шкафа линейного выключателя типа К-104-101-10-31,5/630 — 4 ячейки;
- шкафа с трансформатором напряжения и ограничителем перенапряжения типа К-104-261-10-31,5/630 УЗ — 2 ячейки.
Срок поставки — от 60 до 90 дней.
Заказчик — Объединенная дирекция строящихся предприятий № 8 Кашкадарьинской области (ОДСП-8).
Адрес заказчика: г. Карши, ул. Левобережная, 1. Телефоны: (8-375) 226-12-31, 226-12-40.
Источник финансирования — за счет средств от реализации электроэнергии, вырабатываемой гидроэлектростанциями Минсельводхоза Республики Узбекистан.
Поставщики должны соответствовать нижеследующим условиям: иметь достаточный технический опыт на изготовление и поставку товаров, 20% оборотных средств от стоимости поставляемой продукции (оборудования) или банковскую гарантию на предоставление этих средств, достаточное количество квалифицированных рабочих и стабильное финансовое положение, достоверность для заключения договора, лицензию на предлагаемые товары.
Конкурсную документацию можно получить в офисе организатора торгов — в Консалтинговом центре по конкурсным торгам и ценообразованию в капитальном строительстве по Кашкадарьинской области по адресу:
г. Карши, ул. Узбекистанская, 52. Тел./факс (8-375) 221-07-79.
Оферты принимаются организатором торгов по вышеуказанному адресу.
Цена одного пакета конкурсной документации — 60 000 сумов.
Конкурсные торги будут проведены через 15 дней после опубликования объявления в здании заказчика.
Конкурсную документацию можно приобрести в течение 13 дней после опубликования объявления.
Срок предоставления оферт — к дню и часу открытия торгов.
Адрес: г.Карши, ул. Левобережная, 1. Телефоны: (8-375) 226-12-31, 226-12-40.

ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2001 йил 2 май куни «Хобас — Тапо» ҚК ЕАЖга ПР серияли, тартиб рақами 000.010, реестри рақами 0008 бўлган, прекурсорларни сақлаш ва ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун берилган лицензия йўқолганлиги муносабати билан бекор қилинади.

«Асака» Давлат акциядорлик тижорат банки жамоаси Ходимлар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи Раҳим Турсуновга фарзанди **Равшан ТУРСУНОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги жамоаси Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази директори ўринбосари Саидумар Саидовга падари бузруквори **САИДМУХТОР отанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Болажон

Устозлар меҳри

Мен бир жиҳатдан ўзимни шунинг учун ҳам бахтли ҳис қиламанки, болаларнинг маънавий дунёсини шакллантиришга, руҳий оламининг бойишига хизмат қилган номдор шоир-ёзувчилар билан узоқ йиллар давомида ҳамдарду ҳамнафас бўлганман.

Ана ўшалардан бири Қудрат Ҳикмат эди. Мен у кишининг софдиллигига, оқ кўнгиллигига, самимиятига таъриф бериш учун сўз тополмайман. Шеърияти эса соддалиги, равонлиги, қувноқлиги билан бебаҳо эди. Биз чинакамига дўст эдик.

Бир китобига у киши: "Дўстлигимиз гувоҳи сифатида шу китобни укам Худойбердига тақдим этаман. Автор. Имзо. 12.III. 1965 йил" дея дастхат берган эдилар. Китобнинг номи "Соатжоннинг соати" деб аталарди. Дастхатнинг сал пастроғига мен:

"Ҳуснинг гўзал,
оғзинг шалоқ,
Сўз айтасан
палоқ-палоқ,
Агарки, эринг
мард эса
Э қўйсин сени
минг талоқ"

деб ёзган эканман.

Ҳозир эсласам, Қудрат Ҳикматнинг бу шеърини мен шоша-пиша, қинғирқийшиқ қилиб ёзиб олган эканман. Шу шеърий парча сабаб истеъдодли шоирнинг ҳаётидаги қизиқ бир воқеани эсладим.

Қудрат Ҳикматнинг шоир бўлиб етишишида улуғ адибимиз Ойбек муҳим роль ўйнаган. 1947 йили Ойбек домла "Шарқ юлдузи" журналининг муҳаррири бўлиб турганда унинг ҳузурига оёғида эски калиш, юпунгина кийинган йигитча кириб, қайта-қайта шеър ўқиган. Бундан Ойбек домла шундай завқланганки, ўрнидан туриб, қучоқлаб ўпган. Қўлидан етаклаб дўконга олиб борган ва оёғига туфли, устига янги кийимбош олиб берган. Эртасига башанг кийиниб келган ёш шоирни Ойбек домла Самарқандга — Ислом шоир қўлига котибликка тавсия этган. Ислом шоир "Ободлик учун" деб номланган шеърида Қудрат Ҳикмат ҳақида:

«Ислом шоир шеърни
айтди тил билан,
Қудрат уни ёзди
сидқи дил билан,
Ҳар мушкул иш
ҳал бўлади эл билан,
Юртимиз абадий
обод бўлсин»,

деб чиройли сўзларни битган.

Хуллас, Ойбек домланинг Қудрат Ҳикматга бўлган меҳру муҳаббати то умрларининг охиригача давом этган. Шоирнинг уйсиз эканлигини билган домла ўзига берилган 6 сотихлик ер участкани унга берган. Лекин бу участкани ўз номига ўтказишда шоир роса қийналган. Уни мутасаддиларнинг ташвишини аритиш учун у билан бирга ерни ҳужжатлаштирувчи идорага борганимизда, у ерда бир аёл бизни роса сарсон қилган. Жаҳли чиқиб адойи тамом бўлган Қудрат Ҳикмат юқорида мен эслаган шеърни ёзиб, ўша димоғдор аёлнинг котибига берибди. Котиб уни ўқимасдан, тўппа-тўғри шаҳар ижроия комитети раисига киритибди. Ана энди бошланган дилсиёҳликни кўрсангиз. Ўша аёл: "Менинг оиламни бузмоқчи бўлди" деб Қудрат Ҳикматни ҳатто судга ҳам беришга чоғланибди.

Ишга яна Ойбек домланинг ўзлари аралашиб, жумбоқни бир соатда ҳал қилиб қўя қолдилар. Қудрат Ҳикмат участкалик бўлди, шаллақи аёл эса ишдан кетди.

Буюк Ойбек домланинг меҳрини қозонган шоирнинг шеъридан бир намуна:

Бобо ва набира

Боғ ичида мункиллаб
Саксонларга кирган чол,
Токнинг навини хиллаб
Ўтқазар эди хушҳол.
Набираси келиб дуч
Дер: — Бобо, нима зарил?
Дамингизни олинг тинч,
Қариб қолдингиз ахир!
Ҳаммаси кичик ниҳол,
Катта бўлишар қачон?
Новдалари-чи, беҳол
Ўйлайсизми, буважон?

Боғбон бобо унга дер:
— Эшитгин эй, жон болам.
Кўчат эккан, тўкиб тер
Менинг ҳам марҳум бобом.
Ўша ниҳол қучоққа
Сиғмас энди, мана кўр.
Қараб тўймайсан боққа,
Мевалари тўкин-мўл.
Сендек ўғил-қизларни
Кўриб кўнглим бўлар шод.
Экаман ток, беҳилар
Мендан қолсин яхши от.

Мусаффо осмонимизда баҳор қуёши чарақлаган шу кунларда Тошкентдаги Нафис санъат лицейида Наврўз тантаналари зўр шоду хуррамлик билан нишонланди.

Нафис санъат лицейида Наврўз

Фарзандларимизга билим беришда мамлакатда пешқадам саналган ушбу таълим масканида бутун лицей аҳли байрам томошаларида қатнашди. Юртимизнинг барча ҳудудларига хос халқ ижодиёти, Шарқ мамлакатлари санъати майдон узра намойиш этилди. Болажонларни Ўзбекистон Қаҳрамони, Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов қизғин муборакбод этди.

СУРАТДА: Нафис санъат лицейидаги байрамдан лавҳа.
Раҳмонбек ИСЛОМОВ олган сурат.

«РОСТГЎЙ»ЛАР БАҲСИ

Озодлик кўчасида иккита бола яшаркан. Биттасининг исми Умаржон, бошқасининг исми Самаржон экан. Икковлари бир кунда туғилган экан. Умаржон кўчанинг ўнг томонидаги уйда, Самаржон чап томондаги уйда яшар экан. Икковлариям бешинчи синфда ўқишар экан. 5-«А»дагилар «Ростгўйликда бизнинг Умаржон ўртоғимизга тенг келадигани йўқ» дейишса, 5-«Б»дагилар «Бўлмаган гапни қўйинглар, ҳақ гапни сўзлашда бизнинг Самаржоннинг олдига ҳеч ким тушолмайди, унақаси ҳали туғилмаган, туғилмайди ҳам» дейишаркан. Иккала синф тўхтамай тортишгани тортишган экан. Охири бўлмабди. Иккала ўртоғимизга мусобақа уюштирайлик, қайси бири рост гапни айтишда ғолиб келса, ўшанга биринчи ўринни бериб, бир чарм копток билан 12 та дафтар совға қилайлик, дейишибди. Хуллас муросага келишибди.

Мактабнинг ҳашаматли спорт залига киришибди. «А»дагилар ўнг томонни, «Б»дагилар чап томонни эгаллашибди. Мактаб директори ҳакам бўлиб, синф раҳбарлари ҳакамга ёрдамчи бўлишибди. Алфавит тартибига кўра А ҳарф Б ҳарфидан олдин келгани учун олдин гап бошлаш навбати Умаржонга тегибди. Ҳакам хуштак чалибди, мусобақа бошланиб кетибди. Ўртага чиққан Умаржон гап бошламай, хомуш бўлиб турaверибди.

— Тезроқ гапир, — дебди ҳакам.

— Уйқум келяпти, — дебди Умаржон.

— Нега уйқунг келаверар экан? — сўрабди яна ҳакам.

— Кечаси билан ухламай Қатрон тоғидан Тожикистон томонга туйнук очаман деб бошимни уравердим, уравердим, эрталабга яқин 18 километрлик туйнукни аранг очдим. Шунинг учун ухлаёлмадим, — дебди Умаржон.

Энди рост сўзлаш навбати Самаржонга келибди.

Унинг ҳам дум-думалоқ боши эгилган, чиройли кўзлари ҳам юмилиб бораётган эмиш.

— Хўш, нега сен гап бошламаяпсан? — сўрабди ҳакам.

— Менинг ҳам уйқум келяпти, — жавоб қайтарибди Самаржон.

— Нега уйқунг келади?

— Америка қитъаси билан Африка қитъасини бирлаштириш учун туни билан овора бўлдим. Эрталабга яқин аранг бирлаштирдим. Ўртадаги Атлантик океанини суви тошиб, Европани босиб кетмасин деб ярмини Ҳинд океанига қуйдим. Ярмини ўзим ичиб қўя қолдим. Шунинг учун кечаси билан ухлаганим йўқ, — деб гапини тугатибди Самаржон.

5-«Б»дагилар рост гап мана бунақа бўлади, деб қарсак чалиб юборишибди. Гап навбати яна Умаржонга келибди. « — Эрталаб ойим ишга кетатуриб, қозонда шавла бор, ўшани иситиб егин, девди, уйқусираб шавлага қўшиб қозонни ҳам еб қўйибман, қорним оғриб турибди, гапирмай қўя қолай», дебди. — Э ўртоқ, — деб гапни илиб кетибди Самаржон, — икковимиз бир бўпмиз, эрталаб нонушта қилмоқчи бўлиб холодильникни ўзини еб қўя қолдим, лекин қорним оғригани йўқ...

— Мен дадамдан олдин туғилган эканман, — деб яна гап бошлабди Умаржон.

— Мен бобом билан бувимни кўтариб катта қилган эканман, — деб ўртоғининг гапини бўлибди Самаржон.

— Она тили дарслигини мен ёзганман, — деб сўзини давом эттирибди Умаржон.

— Мактабимизнинг илмий бўлим мудири институтда ўқиганида мен унга химиядан ҳамиша ёрдам берардим, — деб ўртоғини гапиртиргани қўймабди Самаржон.

— Бир марта боғимиздаги ошқовоқнинг ичига тушиб кетиб олти кун адашиб юрганман, — дебди Умаржон.

— Ўша куни мен ҳам боғимизда чўмилаётувдим, — жавоб қайтарибди Самаржон, — қаттиқ шўнғиган эканман, сузиб кетавердим, кетавердим, охири бориб Орол денгизидан чиқиб қолибман. Бундай қарасам денгизнинг суви қуриб, балиқлар қуён боладай сакрашиб, сакрашиб юришган экан. Бир тонначасини йиғиштириб яқинроқдаги болалар боғчасига топшириб келганман.

— Бир марта, — шошилиб сўз олибди Умаржон, — шаҳарга борганимизда машинамиз бузилиб қолди. Ўшанда «Жигули»ни ичидаги тўртта одами билан уйимизгача ўзим кўтариб келганман.

— Ўша йили, — дебди Самаржон, — дадам тракторчи эди. Ғилдирагининг ўткир тишлари кўчадаги асфальтни бузмасин деб мен тракторни елкамга кўтариб далага олиб борар эдим. Кечкурун яна гаражга келтириб қўярдим. Ўша йили шундай қилганимиз учун колхозимиз раиси менга битта Фахрий ёрлиқ берган.

— Бир марта мен шундай сакраганманки, учиб бориб Тожикистоннинг Шуроб деган қишлоғига тушганман.

— Ўшанда мен ҳам сакраб, баландлаб бориб-бориб бошимни Зуҳро юлдузига уриб олганман.

— Мен, — деб ўртоғини тўхтатибди Умаржон енгилишни истамай, — бир еганда қирқ кило гуручнинг ошини еб қўяверaман.

— Мен ҳам, — ўртоғидан баланд келишга интилибди Самаржон, — бир ичганда Сирдарёнинг сувини ичиб қуритиб қўяверaман.

— Сигиримиз бу йил шунақа серсут бўлиб қолдики, — шовқинни босиб гап бошлаб юборибди Умаржон, — сут ташийдиган машина улгурмай қолди. Охири маслаҳатлашиб сигиримизнинг елинига шланга улаб, сутни тўппа-тўғри заводга қуядиган қилиб қўйдик.

— Тўғри, — деб гапни илиб кетибди Самаржон, — ўзи бу йил нафақат сигирлар, балки эчкилар ҳам серсут бўлиб қолган. Биз ҳам эчкимизнинг сутини туман марказига ташиб улгурмасимиздан, эчкимизнинг қорнида Италия билан қўшма корхона очиб, ўша ерда пишлоқ тайёрлайдиган бўлдик. Мактабимиз буфетида сотилаётган пишлоқ билан сузмалар бизнинг эчкимизнинг қорнида тайёрланаяпти.

Хуллас, рост сўзлар айтиш мусобақаси ўша куни поёнига етмабди. Эртасига ҳам, индинисига ҳам қайси томон ғолиб эканлигини аниқлашнинг иложи бўлмабди.

Ушбу эртакни ўқиётган пайтингизда ҳам мусобақа давом этаётган экан.



Авлиёлар ўгитидан

Касб-ҳунар билан машғул бўлиб, ўзини Худога ташлаган хилватда бўлиб Худога ўзини ташламоқдан яхшироқдир.

Шайх Абдулло МАНОЗИЛ

Ёмон феълли кишидан ҳаромдин парҳез қилгандек парҳез қилинглар.

Абу Бакр Варроқ ТЕРМИЗИЙ

Ноаҳил бирла ҳамсуҳбат бўлишдан кўра тор зиндон афзал.

Шайх Абу Али РУДБОРИЙ

Иблисни тушимда кўрдим. Ҳасса олиб уни ургани юрдим. Ғойибдан шундай овоз келди: "Иблис ҳассадан қўрқмас, у сенинг кўнглингдаги нурдан қўрқар".

Шайх Абу Саийд ХАРРОЗ

ЯНГИ ЗАМОН ЭРТАКЛАРИ

Қассобнинг туши

Бир бор экан, бир йўқ экан, яқин ўтган замонда Эски шаҳарнинг Чорсу даҳасида, дорихонанинг нарёғида Толибжон деган бир одам яшар экану, ҳамма уни Толиб қассоб деб атар экан. Ўзи жуда яхши одам экан, қизи битта сникерс сўраса, бир қутисини келтириб бераркан. Ўғли попукли қанд сўраса, бир қопини ҳадя қиларкан. Ҳамма қассоблар қатори унинг ҳам узунлиги бир қулоч келадиган ўткир пичоғи, гўшт чопадиган ойболтаси, ёнғоқ дарахтидан кесилган кундаси бор экан. Ўзи қассоб экану, лекин нов-восдан қўрқар экан. Битта новвос бир куни уни деворга қисиб, роса сузгандан буён бозордан фақат ғунажинми ёки сутдан қолган сигирними олиб келиб оригини семиртириб, семизини тўппа-тўғри сўйиб юборар, гўштини қанорага осиб:

— Кеп қолинг, ёшгина новвоснинг гўшти, лаҳмгина, серёққина, билқиллаб турибди, — деб гоҳо ёлғон ҳам гапираркан. Ёлғон гапирмасам гўшт қари молнинг гўшти эканлигини билиб қолишади, деб қўрқаркан.

Бир куни катта бир сигирни олдин сариқ кунжара билан боқиб роса семиртирибди. Сўнг ерга ётқизиб бўғзига энди пичоқ олиб борган экан, сигир тўсатдан тилга кириб:

— Сўйма, қорнимда болам бор, нобуд бўлади! — деб ёлворибди.

Толиб қассоб бошини кўтариб у ёқ-ёў ёққа қараса, ҳеч ким йўқ эмиш. Оқшом ёмон овқат евдим, ўшанга қорним гулдираган бўлса керак, деб ўйлабди-да, яна сўймоқчи бўлган экан:

— Сўйма деяпман, эсон-омон туғиб олай, кейин билганингни қиласан, сўйма! — деган овоз яна эшитилибди.

Қассоб сигирнинг гапиришига ишонмас экан, ишонса ҳам битта бузоқчани деб уч юз кило гўштдан айрилиб қолайми, депти-да, «Бисмиллоҳир роҳманир роҳийм» деб сигирнинг бўғзига пичоқ тортиб юборибди. Гўштини қанорага илиб, мақтаб-мақтаб сотибди ҳам. Яхшигина пул бўлибди, катта фойда кўрибди. Кечаси ухлаб ётган экан, кундузи сўйилган катта ола сигир эшикни шарақлатиб очиб, ваҳшат билан кириб келибди-да, қассобнинг пичоғидек ўткир шохини унинг бўзғига қадаб:

— Боламни тўлаб бер, — деб маърабди.

— Болангнинг ўлигини ахлатхонага обориб кўмганман, — дебди Толиб қассоб.

— Ҳозироқ уни тирилтириб берасан, — деб ола сигир ўткир шохини қассобнинг бўғзига баттароқ қадабди.

— Шохингни ол томоғимдан, нафасим қисиляпти, — дебди Толиб қассоб энтикиб.

Шу пайт ростдан ҳам нафас олиши оғирлашиб, қора терга ботиб бораётган экан.

— Олдин боламни тирилтириб берасан, — шундай деб ола сигир олдинги икки оёғини қассобнинг қорнига қўйибди.

Толиб қассоб «Ўлган бузоқни тирилтириш менинг қўлимдан келмайди», деб қутулмоқчи бўлган экан, ола сигир «Тирилтириш қўлингдан келмас экан, нега ўлдирдинг бўлмаса», деб қассобнинг бўғзига шохини санчиб олиб, ташқарига чиқиб кетибди.

Одам боласи қари чол бўлганда ҳам бошига бирон фалокат тушса, онасини эсларкан. Толиб қассоб ҳам:

— Ойижон! — деб бақириб юборибди.

— Нима бўлди? — деб сўрабди ёнида ётган хотини.

Толиб қассоб ёмон туш кўрганини айтибди. Меҳрибон хотини «Одам чап томони билан ётганда шунақа бўлади, ўнг томонингиз билан ётинг», дея фойдали маслаҳат бериб эрининг юзу пешонасидаги совуқ тер томчиларини артиб қўйибди. Эри уйқуга кетибди. Толиб қассоб яна туш кўра бошлабди. Кенг яйлов эмиш, элликтача сигиру эрта сўйилган ғунажинлар, ҳар бирининг шохи ханжардек ўткир эмиш, қассобни мўлжалга олиб, маърашиб, бақувват оёқлари билан ерни тепкилашиб, бостириб, келишаётган эмиш. Бизни сўймаганингда қанчадан-қанча бола туғардик, болаларимизни топиб бер, деб оламни бошларига кўтариб маърашармиш. Бошқа иложи қолмаганидан қассоб қочишга тушибди. Ёшлигида маҳалладаги жамики болалардан тез югураркан, ҳозир ундан ҳам тезроқ югурармиш, сувга тушса сигиру ғўнажинлар ҳам сувга тушармиш, девордан ошиб ўтса, қутурган моллар унинг олдидан тўсиб чиқармиш.

— Ойижон! — дея бақириб яна уйғониб кетибди Толиб қассоб.

Меҳрибон хотини энди калима ўгиришни маслаҳат берибди. Калима ўгирибди ҳам, лекин барибир ухлагани юраги бетламабди. Тонг пайтида кўзи сал илинган экан, уйқу билан уйғоқлик ўртасида мудраб ўтираркан, филдек келадиган катта бир хўкиз, қўлида ойболтаси ҳам бор эмиш, лапанглаб кириб келиб:

— Хўш, менинг хотинларим билан қизларимни нега сўйдинг? — деб сўрармиш.

Толиб қассоб сакраб дераза орқали ҳовлига чиқиб кетибди. Орқасидан «Ҳой, дадаси, сизга нима бўлди?» деб меҳрибон хотини ҳам югуриб чиқибди. «Уйда хўкиз бор, қоч, сени ҳам сузади, ўлдиради», дермиш Толиб қассоб. Уч кунгача бечора қассоб ухлаёлмабди. Кўзи илинди дегунча, пичоқ ўқталган бузоқчалар, гоҳо шохи ўткир сигирлар, ойболта кўтарган ғунажинлар пайдо бўлиб, олдига солиб қувармиш. Қассоб додлаб ҳовлига чиқиб кетармиш. Дўхтирга кўрсатишибди, уйқу дори ичиришибди, барибир кор қилмабди. Кўзи илинди дегунча аввалгисидан ҳам қўрқинчлироқ тушлар кўрармиш. Куппа-кундуз куни уйғоқ пайтида ҳам олдига тўппа-тўғри сигирлар тўдаси бостириб келаверармиш. Қассобнинг хотини кўп ақлли, ҳам тадбиркор экан. Эрини бу балолардан қутқариш учун дуохон домлага ўқитишини маслаҳат берибди, дуохонга дам солдиришибди. Ҳаммасидан ҳам даҳшатлироқ тушни ўша кечаси кўрибди. Катта бир сигир Толиб қассобнинг ўзини сўйиб, гўштини қанорага солиб сотаётган эмиш:

— Ойижон! — деб бақириб юборибди Толиб қассоб.

У шу кеча-кундузда ҳам ой-ойлаб кўчада чопиб юрган эмиш.

ТЕСТ синовларига тайёрмисиз?

1. Амир Темур даврида қайси шаҳар "Қуббатул илм вал адаб" унвонига сазовор бўлган?
   - А) Самарқанд
   - Б) Кеш
   - В) Бухоро
   - Г) Марв

2. Монархия сўзининг луғавий маъноси нима?
   - А) Давлатнинг бошқарув шакли
   - Б) Якка ҳокимлик
   - В) Подшо, қирол бошқаруви
   - Г) Давлатнинг тузилиш шакли

3. "Тарихнинг отаси" деган таъриф кимга тегишли?
   - А) Софокль
   - Б) Цицерон
   - В) Геродот
   - Г) Аристотель

Саҳифани Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди ТЎХТАБОЕВ тайёрлади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир ўринбосари Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 657. 28692 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — Ш. Ортиқов.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.30 123456